



**Тил ва лисон йили**



Русия мусулмонларининг «Тарихчайи адабиёт»ини ёзадиган киши бўлса, ушбу 1906 йилни «тил йили» деб билади.

23 йилдан бери «Таржимон» қўллаётган содда ва очик туркий тили калам ва мажлис тили макомига кирмокда эди. Лекин бу йил хар вилоятда бирикки маҳаллий газеталар таъсис килиниб, хар бири бирор турли шевада калам юргиза бошладилар. Хар тарафда

вилоят ва тараф одимлари кўрилди. «Умумий лисон», «Лисони адабий» маслаки буюк ва илмий бир тажрибага солинди. Озарбойжон, Туркистон ва Козон бирор шўъбага, бирор шевайи адабияга ажратиладими ёки тавҳиди лисон (Тил бирлиги.) масаласи собит коладими?

Маслаки умримиз бўлган тавҳиди лисон масаласида биз бир нукта ортга чекилмадик ва чекилмаймиз... Хам ортга чекилишга на эшик, на йўл колди. Миллат яшасун!.. Мурод ва хукми катъиян бу йил англанди. Вилоятларнинг хусусий фоидалари ёки маорифи ибтидоийнинг осонлик билан ёйилиши учун, муваккат ўларок, шевайи махаллия истеъмоли жоиз кўрилса-да, «тавҳиди лисон», «лисони умумий ва адабий» кераклиги хозирни ўзидан хукм килинди.

Умумий «Иттифоки муслимин» мажлисларида сўзлашув «лисони умумийи туркий» билан олиб борилганидан хар тарафдан келган вакилларнинг бир-бирларини тушунишлари бу лисон соясида воқеъ бўлиши, Иттифоки миллия карорлари барчаси лисони туркий ила ёзилиши, бу йил махаллий шева ёки тоторча номила калам юритган аксар мухаррир биродарларимизнинг тиллари тўққиз ойда юзда тўксон даража «турклашгани» ва йигирма турли газеталар пайдо бўлганда хам «Таржимон»нинг ҳеч муштарийси озаймай, баъзи ерларда кўпайгани тил бирлиги маслагининг миллат томонидан катъийян кабулининг самарасидир.

«Таржимон» умум миллатнинг таржимони, лисони турк умум миллатнинг тили эканлигига шак ва шубҳа йўқдир.

Яшасун миллат! Бу миллат яшаши керак! Чунки тушунадиган тили ва тил бирлиги фикр ва адабиёт бирлигига сабаб бўлиб, бу эса, иш, амал ва харакат бирлигини пайдо килиб, натижаси нажот бўлади.

Кавказда, Туркистонда, Русия ичкарасида 24 йилдан бери «Таржимон»ни ўқиб келганлар юзларча бор. Ўн, ўн беш, йигирма йилдан бери ўқиб келганлар мингларча бор... Тавҳиди лисон, иттифоки миллия афкориға, мактаблар ва ўқитиш ислохиға буюк ва жиддий хизмат килиб келганлар булардир. Нима дейишимиз мумкин, яшасин таржимончилар!

Богчасарой, 18-декабр «Таржимон» г., 1906 й., 142-сон  
Исмоилбек Гаспиринскийнинг  
"Хаёт ва мамот масаласи" китобидан